O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 14 август, № 159 (5074) Шанба


## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



19 йил

### Жиззах вилояти:

# ҒУРУРИ БАЛАНД, САЛОҲИЯТИ БЕҚИЁС

**Ушбу муқаддас замин Истиқлол туфайли кундан-кунга гуллаб-яшнаб, тараққий этиб бормокда.**

**Жиззах — она-табиат ярлақаган юрт. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу азим диёр нафақат пахтаси, ғалласи ёки пилласи, балки ўзининг Темур дарвозаси, Хуттот, Қуёш тақвими каби тарихий обидалари, Ҳошимқўрғон, Абдуллахон қўрғони, Кўкработ каби археологик ёдгорликлари билан ҳам машҳур. Азиз газетхон, сиз, албатта, довруғи етти иқлимга кетган Фориш кишмишлари, Бахмал олмалари, Арнасой қовунлари, Зомин оромгоҳлари таърифини эшитган чиқарсиз?**

**Шунақа. Бу кўҳна заминнинг ости ҳам, усти ҳам битмас-туганмас хазиналар макони. Истиқлол, таъбир жоиз бўлса, жиззахликларга бу ноёб хазиналар калитини қўшқўллаб тутқазди.**





**Б. АКРАМОВ, У. РАҲМОНҚУЛОВ олган суратлар.**

Бугун Жиззах ва жиззахликлар буюк келажакни кўзлаб йўлга чиққан мамлакат катта карвонининг олдинги сафларида бормоқдалар. Айни кунларда Жиззах ясаниб, тусаниб, бисотидаги бор тақинчоқларини тақиб, солланиб, ороланиб тўйга, катта тўйга ҳозирланаётган келинчакка ўхшайди.

— Шаҳримизга бир қаранглар-а, — дейди завқ билан "Маҳалла" жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси Муқим Ҳасанов, — қанчалар чиройли ва кўркам! Жиззах Истиқлол йилларида қайта туғилди. Ҳамма ҳавас қиладиган, ўзига хос, гўзал шаҳарга айланди.

Жиззахнинг Бош майдони Истиқлолимизга муносиб. Улкан йўлнинг ҳар икки ёқасида жойлашган бири-биридан гўзал бинолар, Жиззах педагогика институтининг муҳташам биноси... Вилоят мусиқали драма театри. Теннис корти. Кўп қаватли тураржойлар, коллеж, лицейлар... Савдо, маданий-маиший, сервис хизмати кўрсатувчи мажмуалар. Маҳалла гузарлари...

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда дунёнинг ҳеч бир бурчида учрамайдиган маҳалла институти шаклланди, — дея сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Эндиликда ҳар маҳалланинг ўз гузари бор. Қаранг, шу 19 йил ичида вилоятимиз бўйича 13 та, шаҳримизнинг ўзида 10 та замонавий маҳалла гузари қурилди. Бу гузарларда чойхона, ошхона, маданий-маиший, савдо, сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар, тўйхоналар, болалар ўйингоҳларидан тортиб, спорт майдончаларигача бор.

— Шаҳримизда 150 мингга яқин аҳоли яшайди, — дея ҳикоя қилади Жиззах шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Жуман Қўшматов. — 2030 — 2035 йилларга бориб, уларнинг сони 200 мингга етиши кутилаяпти. Ана шу одамларнинг, ўсиб келаётган ёш авлоднинг муносиб ҳаёт кечириши учун имконият яратиш, янги иш ўринлари очиш, маданий-маиший, коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш, бир сўз билан айтганда, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилиш бизнинг устувор мақсадимиз. Шу ният билан шаҳарнинг бош режасига бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартишлар киритаяпмиз. 2006 йилдан бошлаб, Президентимиз фармонлари асосида, шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифасини олдимизга қўйгандик. Бу иш куни кеча ниҳоясига етди. Айни пайтда шаҳримиз аҳли ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Халқ банки кредити асосида янги, замонавий автобуслар олиб келиш ҳаракатидамиз.

(Давоми 2-бетда).

## 15 август — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Флоти куни

# ЯНГИ ВА ЮКСАК УФҚЛАР САРИ

***Ҳаво Флоти куни Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган қонуни билан белгиланган. Ҳозирги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташишлар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бу борада амалга оширилган ислоҳотлар соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини берди.***



Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги ва авиаторларнинг касб байрами арафасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясида биринчи ярим йилликда амалган оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Миллий авиакомпания матбуот хизматидан маълум қилишларича, 2010 йилнинг олти ойи мобайнида авиакомпания ҳаво кемалари 11620 марта парвоз қилган ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 89 тага кўп, шунингдек, 972,6 минг нафар йўловчи ташилган (ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 122,7 минг нафар кўп). Мадрид ва Калининградга иккита янги халқаро йўналиш очилди. Юк ташиш ҳажми ҳам 2,5 бараварга кўпайди: жорий йилнинг биринчи ярмида 22,6 минг тонна юк ташилган (йўловчиларнинг пулли юклари ҳисобга олинган ҳолда).

Тадбирда сўзга чиққан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори В. Тян компанияда ёқилғи тежайдиган ва ҳар томонлама қулай замонавий ҳаво кемаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркида қарийб 200 та самолёт ва вертолёт бор. Мамлакатимиз фуқаро авиацияси тизимидаги миллий авиаташувчи ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан ҳаво кемалари паркини модернизация қилиш, янгилаш ва унификациялаш давлат дастурини амалга ошириб келмоқда, авиакомпания эскирган авиатехника ўрнига замонавий авиалайнерларни харид қилмоқда.

Масалан, "Ил-62", "Ил-86", "Ту-154", "Як-40" самолётлари жаҳон авиация саноати етакчи ишлаб чиқарувчиларининг энг янги, қулай, тежамкор машиналари билан алмаштирилди. Бугунги кунда авиакомпания "B-767-300ER", "B-757-200", "A-310", "RJ-85", шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114-100" русумидаги самолётлардан фойдаланмоқда. 2010 йилнинг июлида авиакомпаниямиз "А-320" русумидаги янги самолётдан фойдалана бошлади.

(Давоми 3-бетда).

# ФУТБОЛИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ ҒАМХЎРЛИК

***Президентимизнинг "Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида"ги қарори барчамизга алоҳида қувонч ва кўтаринки кайфият бағишлади. Бу мамлакатимизда спортга, хусусан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.***

**Дил сўзи**

Бу йил Андижон "Универсиада — 2010" спорт ўйинлари республика босқичига мезбонлик қилди. Ёшларнинг ана шу катта спорт байрами арафасида Юртбошимиз Андижонга ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар. Хусусан, Андижон шаҳрининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талаблар даражасидаги замонавий спорт мажмуасида бўлганларида, футбол бўйича ёш иқтидор эгаларига таълим-тарбия беришда нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида ўзларининг қимматли таклиф ва маслаҳатларини бердилар. Ана шу эътибор бугун ўз ижобатини топмоқда.

Мен мазкур спорт тури билан бир неча йилдан буён шуғулланаман. Очиғи, Шўрбулоқдаги мажмуани, ундаги имкониятларни кўриб, ҳайратга тушдим. Муҳташам бино, назарий ва амалий машғулотлар ўтказиладиган кенг ва ёруғ заллар, учта замонавий футбол майдони ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Бундан ташқари, 700 ўриндиқли трибуна, 100 ўринли ётоқхона, замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи жиҳозлар футболимизнинг эртанги эгалари ихтиёрида.

Қарор билан танишиб чиқиб, унда иқтидорли футболчиларни тайёрлаш бўйича барча жиҳатлар қамраб олингани эътиборимизни тортди. Хусусан, ўқув-машқ жараёнларини юқори даражада ташкил этиш, ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар (ўсмирлар) терма жамоаларини тайёрлаш даражасини юксалтириш, мактаб-интернат тренерлари малакасини тизимли асосда ошириш, хорижий футбол мактаблари, академиялари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш каби долзарб масалаларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг барчаси юртимиз футболининг халқаро талабларга мувофиқ ҳолда ривожланиши, ёш иқтидор эгаларининг кашф этилиши, миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

**Бахтиёр ҲАМИДУЛЛАЕВ, «Андижон» профессионал футбол клуби ҳужумчиси.**

# Фидойилик, шижоат, изланиш

## Ёшлар ижод саройида ўтказилган тантанали маросимда рағбатлантирилди

***Баркамол авлод йилида йигит-қизларнинг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Пойтахтимиздаги муҳташам Ёшлар ижод саройида ўтказилган "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази тизимида энг фаол қатнашиб келаётган йигит-қизларни тақдирлаш маросимига бағишланган тантанали концерт дастурида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ахборот маркази (UNIC) ҳамда Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёшларга аталган лойиҳалари муаллифлари қатнашдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар негизида инсон манфаатларини таъминлаш, хусусан, эртанги кун эгаларини мустақил ва теран тафаккур соҳиби, соғлом ҳамда баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек улуғвор мақсадлар мужассам. Бугунги кунда юртимизда

(Давоми 2-бетда).

# Ёшлар учун қўшимча имкониятлар

***Маълумки, 2010 йилнинг 28 июлида Президентимиз томонидан "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга имзо чекилган эди.***

**Тадбир**

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, бу соҳага ёшларни, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларини кенг жалб этиш мақсадида қабул қилинган мазкур Фармон ёшлар учун қўшимча имкониятлар эшикларини очиб берди.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Инвестиция натижаси

**СИРДАРЁ вилоятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги корхоналарни қуриб, ишга тушириш борасида самарали фаолият олиб борилмоқда.**

Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида вилоятда 126 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилди. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 12 та лойиҳа бўйича жами 11 миллион 352 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб қилинди. Натижада янги ташкил этилган корхоналар томонидан 4 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Намунавий лойиҳалар асосида

**ФАРҒОНА. Бешариқ туманининг Кўрғонча ва Янгикўрғонча қишлоқларида истиқомат қилаётган бир неча хонадон аҳли энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 19 йиллигини намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйларда нишонлайдиган бўлди.**

Айни пайтда тумандаги "Хайрулла Сайқали" хусусий корхонаси қурувчилари 40 та 3 ва 5 хонадан иборат уйларни жадал суръатларда бунёд этишаяпти. Бу уйларнинг 25 таси Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Хивалик тадбиркорлар

***ХОРАЗМ. Хивалик тадбиркор Ҳасанбой Жуманиёзов Эски Қиёт қишлоғида ёғочдан қурилишбоп эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этди.***

У бунинг учун ўз маблағи ва банк кредитлари эвазига 15 миллион сўмлик замонавий дастгоҳларни харид қилиб ўрнатди. Натижада йилига 1 минг 160 кв. метр ёғоч эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ишга тушди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 8-10 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, хивалик 1 минг 700 нафар тадбиркор томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 2 минг 460 та янги иш ўрни яратилди.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши кўпаймоқда

**Бир рақам шарҳи**

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар улуши

13,9 фоиздан **17,1** фоизга кўпайди.

**2010 йилга мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижроси доирасида амалий чора-тадбирлар кўрилгани натижасида соҳада ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.**

# ЯНГИ ВА ЮКСАК УФҚЛАР САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий авиакомпания яна тўртта "Boeing-767" ва иккита "Boeing-787 Dreamliner" самолётларини харид қилади. Бундан ташқари, "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси фойдаланилаётган "Ил-114-100" самолётига қўшимча равишда 2010 йилнинг охири ва 2011 йилнинг бошида ана шундай русумдаги яна икки самолётга эга бўлади.

Вилоятлардаги аэропорт мажмуаларини реконструкция қилиш, қуриш ва модернизациялаш ишлари изчил давом этмоқда. Яқинда "Навоий" халқаро аэропортида янги юк терминали тантанали равишда очилди.

Миллий авиакомпаниямиз "Sky Team" халқаро авиация альянсига босқичма-босқич қўшилмоқда. Ушбу альянс дунёнинг йирик авиакомпанияларини бирлаштиради ва бутун дунёда йўловчи ҳамда юк ташиш бозорининг 35 фоизини назорат қилади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг мазкур альянс билан ҳамкорлиги унинг халқаро авиатранспорт тизимига янада интеграциялашуви учун янгидан-янги имкониятлар яратади ҳамда парвозлар хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаво транспортида ишлаш — бу жуда катта масъулият, чуқур билим, вазминлик, энг мураккаб шароитларда ҳам вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятини талаб этадиган кундалик фидокорона меҳнатдир. Нафақат парвозлар хавфсизлиги ва ҳаво паркининг техник созлиги, балки чекка ҳудудларни ёнғиндан ҳимоя қилиш, авария-қутқарув ва тиббий хизматлар билан таъминлаш, мамлакатимиз учун ижтимоий аҳамиятга эга бошқа муҳим вазифаларни бажариш ҳам учувчилар, муҳандислар, техник ходимлар, ер усти мутахассисларининг профессионал маҳоратига боғлиқ.

Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати энг асосий вазифа — парвозлар ишончлилиги ва хавфсизлигини, авиаташишлар мунтазамлигини таъминлаш ҳамда йўловчиларга энг юқори даражада хизмат кўрсатишга қаратилган. Уларнинг ўз касбига мана шундай ёндашуви туфайли ҳаво флоти ҳамиша мамлакатимиз учун фахр ва ифтихор тимсоли бўлиб қолаверади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

# ДИЛДАН ТИЛГА КЎЧГАН НАВОЛАР

***Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий жиҳатдан етук қўшиқларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда имзоланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу мақсадларимиз рўёби учун янада кенг йўл очиб берди.

Эътиборлиси, мазкур кўрик-танлов орқали Ватанни мадҳ этувчи кўплаб янги қўшиқларнинг яратилишига, жойларда ижод қилаётган ёш истеъдод эгаларини аниқлаб, рағбатлантиришга эришилаяпти. Қувонарлиси, ушбу танлов эзгу мақсадлар йўлида ижод қилишга бел боғлаган минглаб истеъдод соҳибларини рағбатлантирмоқда, ижодий рақобатга чорламоқда. Энг муҳими, бундай ташаббус натижасида юрт ҳақидаги кўплаб янги ва бетакрор қўшиқлар дунёга келаётир.

— Санъатни, хусусан, қўшиқни севган инсон қалби эзгуликка ошуфта бўлади, — дейди кўрик-танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов. — Айниқса, Ватан ҳақидаги қўшиқнинг тарбиявий аҳамияти катта. Бундай қўшиқлар қалбимизда юртга муҳаббат, садоқат, уни асраб-авайлаш ва ардоқлашга иштиёқ туйғуларини янада жўш урдириб юборади. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ҳам ана шу эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Қувонарли томони, ушбу ижодий беллашув қўшиқчилик санъатига дахлдор ижодкорларимиз ўртасида тобора оммалашиб бораётир.

Дарҳақиқат, жаҳонда мамлакатлар, юртлар кўп. Аммо заминимизда туғилиб-ўсган, шу юрт билан тақдирини чамбарчас боғлаган инсон учун Ўзбекистон муқаддас Ватандир. Шундай экан, бугун қўшиқчилик санъати йўлида ижод қилаётган барча юртдошларимиз, энг аввало, Ватанни куйлаш саодатидан баҳраманд бўлиб яшашга интилишлари табиий. Буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, ўтган йили "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловида 49 минг нафар ижодкор иштирок этган бўлса, жорий йилда беллашувнинг дастлабки босқичларида 183 мингдан зиёд, яъни ўтган йилдагига нисбатан тўрт баробар кўп ҳаваскор ва профессионал ижрочилар ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Муҳими, танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вазирлик ҳамда ижодий уюшмалар босқичлари кўтаринки руҳда, юксак савияда ҳамда уюшқоқлик билан ўтди.



Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган ижодий беллашувнинг якуний босқичида танловнинг саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган профессионал санъаткорлар, ёш ижрочилар, ҳаваскор бадиий жамоалар Ватанни тараннум этувчи қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, турли вазирликлар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб бўлиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчилар томонидан тайёрланган қўшиқлар ижро этилди.

Кўрик-танлов ғолиблари мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

**Ф. БЎТАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

AGROBANK

«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллиги куни билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга озодлик, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!

Шодиёна муносабати билан Ўзбекистон халқини табриклаб, «Агробанк» қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этади:

Пластик карточка — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!

Visa Card — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!

Пул ўтказмалари — тез, оддий ва ишончли!

Депозит катакчалар — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!

Пул омонатлари — даромадингизни кўпайтиришнинг синалган усули!

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган.

Наманган шаҳридаги «ВОДИЙ ИПАГИ» масъулияти чекланган жамияти меҳнат жамоаси

Ўзбекистон аҳлини ардоқли байрамимиз — Мустақилликнинг 19 йиллиги билан муборакбод этади.

Юртимиз истиқболи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда барчага омад тилаймиз.

Миллий ҳунармандчилигимиз янада равнақ топиб, шоҳи ипак, атласу адрасларимиз мўътабар онахонларимиз, азиз опа-сингилларимиз эгнида жилва қилаверсин.

Озод ва обод элимиз осмони ҳамиша мусаффо, ҳаётимиз тинч-хотиржам бўлсин!

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга таклим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Эҳтиётсизлик оқибати



***Бразилиянинг Нова-Игуасу шаҳрида поезд билан автобус тўқнашиб кетди, дейилади "Новости" ахборот агентлиги хабарида.***

Воқеа тунда рўй берган. Оқибатда камида 20 киши жароҳатланган. Улардан икки нафарининг аҳволи оғир. Қурбонлар йўқ.

Гувоҳларнинг айтишича, поезд бошқарувчисининг тақиқланган белги ёниб туришига қарамай, ҳаракатни давом эттириши кўнгилсизликка сабаб бўлган.

### Сотиб олмас экан

***Франциянинг "Renault" автоконцерни Жанубий Кореянинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жиддий зарар кўрган "SsangYong Motor" компаниясини сотиб олмаслигини маълум қилди.***

Энди Ҳиндистоннинг "Mahindra-and-Mahindra" молиявий гуруҳи "SsangYong"нинг асосий харидорига айланди.

### Эквадорда зилзила

**Эквадорда 7,2 балли зилзила рўй берди.**



"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига кўра, унинг маркази пойтахт Кито шаҳридан 177 км. жануби-шарқда қайд этилган. Мамлакатнинг шимолий минтақаларида ҳам шундай табиий офат кузатилган. Чунончи, Манта шаҳрида ер қимирлашидан бир нечта уй зарар кўрган.

### Ўт балосидан асрасин

***Португалиянинг шимолида ўрмон ёнғинлари давом этмоқда.***

Ўт ўчирувчилар ҳамон 22 та табиий офат ўчоғини бартараф этишда жиддий тўсиқларга дуч келишмоқда. Шунинг учун маҳаллий аҳоли вакиллари қўлларига бир челак сув олиб бўлса ҳам, мадад бериб, ўт балосидан қутулишга ҳаракат қилишаяпти.

Ҳозиргача Пиреней ярим оролидаги ушбу давлатда 18 минг гектар яшил ҳудуд кулга айланди. Кўрилган зарар 20 млн. еврога етди. Метеорологларнинг айтишича, яқин кунлар ичида бу ерда ҳаво яна исийди. Демак, вазият осонликча юмшамайди.

### Қидирув давом этмоқда

***Хитойнинг Ганьсу музофотида рўй берган ер кўчкиси оқибатида ҳалок бўлганлар сони 1144 нафарга етди.***



"Синьхуа" ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, айни пайтда қутқарувчилар бедарак йўқолган 600 кишини қидиришда давом этмоқдалар. Кучли ва сурункали ёмғир туфайли келиб чиққан ҳодиса қарийб 3000 та иншоотни вайрон қилган, транспорт ва электр таъминоти инфратузилмасига жиддий шикаст етказган. Шу кунгача 45 минг киши воқеа рўй берган жойдан хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

### Қўриқчи илон

***Италиялик полициячилар гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчи шахснинг уйини тинтув қилишганда, ғалати ҳолатга дуч келдилар.***

Гап шундаки, у ерда сақланаётган кокаин моддасини уч метрли бўғма илон қўриқлар экан. Судралиб юрувчи ноқонуний модда яширилган товуқ тухумларини худди ўзиникидек қаттиқ ҳимоя қилди. Тартиб посбонлари мутахассислар ёрдамида "садоқатли қоровул" билан бирга унинг 12 нафар эгасини ҳам қўлга олдилар. Бундан ташқари, 5 кг. кокаин, қурол-яроғ, катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*



**Бугун Сингапурда ўсмирлар ўртасида I Ёзги Олимпиада ўйинлари очилади. Унинг машъаласи ёқилиб, мусобақаларга расман старт берилади.**

# БЕҒУБОР ДАМЛАР, ШИДДАТЛИ МУСОБАҚАЛАР

**26** августга қадар давом этадиган мазкур йирик спорт ўйинларида ўзбекистонлик 21 нафар ёш спортчи ғолиблик учун кураш олиб боради. Вакилларимиз дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, стол тенниси, таэквондо, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, сузиш, оғир атлетика, бокс, енгил атлетика, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича ўз куч ва маҳоратларини намойиш этадилар.

Келинг, шу ўринда бир фикрни айтиб ўтсак. Маълумки, мамлакатимизда ёш авлодни баркамол вояга етказиш, уларни спортга оммавий жалб этиш, шу орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ёш истеъдод эгаларини кашф этиш мақсадида уч босқичли спорт ўйинларини ўтказиш анъанага айланган. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур дастур асосида кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган натижалар қўлга киритилаётгани бор гап. Бу халқаро миқёсда ҳам доимо эътироф этилмоқда.

Сингапур Олимпиадаси ташкилий қўмитаси раиси Нг Миангнинг бу ҳақдаги фикрларига эътибор қилинг:

***"Ўзбекистон ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кучли салоҳиятга эга мамлакат. Ушбу ўлка нафақат Осиёда, балки жаҳон миқёсида ўз номи ва мақомига эришиб улгурган. Буни бошқа соҳалар қатори, спорт ареналарида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. Хўш, уларнинг сири нимада? Менимча, Ўзбекистон бу борадаги энг тўғри йўлни танлаган. Яъни асосий эътиборни болалар спортини ривожлантириш ва шу орқали соғлом келажакни қуришга қаратган. Бошқача айтганда, қисқа давр ичида болалар спортини ривожлантириш механизмини муваффақиятли ишга тушириш тажрибаси фақатгина Ўзбекистонда бор, дейишга асослар етарли. Айниқса, мамлакатнинг уч тизимли спорт ўйинлари орқали ёшларнинг бошини қовуштириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш ҳаракатларидан намуна олса, арзийди".***

Демак, ўсмирлар ўртасидаги I Ёзги Олимпиада ўйинларини ташкил этиш ғоясининг пайдо бўлишида Ўзбекистон тажрибаси ҳам ўрганилгани, шубҳасиз.

Аввало, мазкур тадбирнинг ёш авлод ўртасида ўтказилаётгани ўзига хос маънога эга. Шу орқали ташкилотчилар жаҳон ҳамжамиятини яна бир бор табиатни асраб-авайлаш, **соғлом ҳаёт — соғлом келажак** ғоясини чуқур англаб етишга чақиришни мақсад қилганлар. Экологик муаммолар долзарблашиб бораётган бугунги давр учун бу оқилона қарор, дейиш мумкин. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун Сингапур жуда мос мамлакат. Нима учун айнан Сингапур, деган савол туғилиши табиий. Аслида 1965 йилда мустақилликни қўлга киритган, аҳолиси, бор-йўғи, 5 млн.га етган, кўп миллатли ушбу мамлакат коинотдан қараганда, деярли кўз илғамайдиган даражада кичкина. Шунга қарамай, мезбон юртда кичик бизнес, туризм, ахборот технологиялари юксак даражада ривожланган. Лекин гап катталикда ҳам, тараққиёт суръатларида ҳам эмас. Мазкур юрт мусаффо муҳит яратиш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Буни мамлакат ҳудудида рухсат этилмаган жойларга чиқинди ташлаш, кўплаб жамоатчилик жойларида чекиш қатъий тақиқланганидан билиш мумкин. Бундан ташқари, Сингапурга сақич маҳсулотлари импорт қилинмайди. Қоидабузарлар қаттиқ жазоланади.



Бу борада олимпиадачилар учун ҳам "Яшил расмий белги", "Яшил ҳаёт" каби ташаббуслар ишлаб чиқилди. Чунончи, иштирокчилар истиқомат қиладиган Нанянг технология университетида қад ростлаган Олимпия қишлоғида экологик жиҳатдан соф шароитлар яратилган.

Мусобақа рамзидаги ўйноқи ранглар, қувноқ тасвирлар ҳам беғубор, унда шиддат алангаси, чемпионлик юлдузи, келажак йўли ўз аксини топган. Тимсоллар эса иккита. Бири Лио исмли шер боласи, иккинчиси Мерли исмли афсонавий денгиз шерининг боласи. Уларнинг сараланиш тарихи ҳам қизиқ. Ривоятларга қараганда, оролга ташриф буюрган шаҳзода у ерда чиройли шерга кўзи тушади. Сўнг бу жойга "Сингапура", яъни "Шер шаҳри" номини беради. Шундай қилиб мазкур орол дунёда ўз номига эга давлат — Сингапурга айланди, миллий рамзи эса шер бўлиб қолди. Тасвирга эътибор қаратсангиз, арслончанинг ёллари алангамонанд. Бу ёшлик ғайратига ишора. Кафтида эса орол шаклидаги тасвир бор. Мерлиндаги "Мер" — денгиз, "ли" — барҳаётлик белгиси, аниқроғи, "барҳаёт денгиз" деганидир. Сингапур халқ оғзаки ижоди, хусусан, маҳаллий балиқчиларнинг миллий куй-қўшиқларида ярми шер, ярми балиқдан иборат денгиз шери номи учрайди. Унинг кафтида меҳр-муҳаббат ва тириклик рамзи — юрак шакли бор.

Спорт тадбирининг яна бир эътиборли жиҳати, машъала ва уни олиб келиш маросимидир. У анъанага мувофиқ, Грециянинг Олимп тоғларидан оловлантирилиб, 23 июль куни йўлга тушганди. "Ёшлик гулхани" дунёнинг бешта қитъасидаги шаҳарлардан — Берлин (Европа), Дакар (Африка), Мехико (Америка), Окленд (Янги Зеландия), Сеул (Жанубий Корея)дан олиб ўтилиб, 6 август куни мезбон давлатдаги миллий университетнинг Кент Рампус оромгоҳига етказилди. Уни маҳаллий халқ катта қувонч билан кутиб олди. Орадан бир кун ўтиб машъала яна, бу сафар мамлакат бўйлаб олти кунлик саёҳатга чиқарилди. Бугун Флоат Марина Бэй туманидаги очилиш маросими бўлиб ўтадиган Кальдерон стадионига етиб келади ва улкан ўтдонга кўр солади.

Шундан сўнг шиддатли дамлар, шижоатли лаҳзалар бошланади. Унда 205 та Миллий Олимпия қўмитасидан жами 3600 нафар спортчи қатнашади. Шунингдек, 1200 нафар ОАВ ходими, 20000 нафар кўнгилли, 370000 дан зиёд мухлис бевосита иштирок этиши кутилмоқда.

Олимпиада ўйинларида 14-18 ёш оралиғидаги ўсмирлар 29 та спорт тури бўйича 1250 медаль учун кураш олиб боришади. Бундан ташқари, элликдан ортиқ маданий ва санъатга оид тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

**М**ухтасар қилиб айтганда, Сингапур Олимпиадасида спортчилар саёҳат қилиш, гўзал таассуротлар орттириш, тафаккурини бойитиш, куч ва маҳоратини синовдан ўтказиш, улкан орзулар дебочасига замин яратиш, ғалабага бўлган иштиёқ, ёшликка хос интилувчанликни намойиш этиш имконига эга бўладилар.

**Саиджон МАХСУМОВ.**


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарорини бажариш мақсадида**

## «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ

**ТАКРОРАН КЎРИК-ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Танлов номи** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд шаҳри, Булунғур ТЭТ, Гўзалкент ТЭТ, Дўстлик ТЭТ, Ургут ТЭТ, Деҳқонобод ТЭТ, Зарафшон ТЭТ, Жомбой ТЭТ, Иштихон ТЭТ, Қорадарё ТЭТ, Қўшрабод ТЭТ, Нарпай ТЭТ, Нуробод ТЭТ, Оқдарё ТЭТ, Пастдарғом ТЭТ, Пахтачи ТЭТ, Пайариқ ТЭТ, Тайлоқ ТЭТ, Челак ТЭТда истеъмолчилардан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказишнинг асосий шартлари:** танлов очиқ тарзда ўтказилади. Унда юридик шахслар ёки хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган бурч ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган шахслар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд**: Самарқанд вилояти — Каттақўрғон шаҳри, Самарқанд шаҳри, Булунғур ТЭТ, Гўзалкент ТЭТ, Дўстлик ТЭТ, Ургут ТЭТ, Деҳқонобод ТЭТ, Зарафшон ТЭТ, Жомбой ТЭТ, Иштихон ТЭТ, Қорадарё ТЭТ, Қўшрабод ТЭТ, Нарпай ТЭТ, Нуробод ТЭТ, Оқдарё ТЭТ, Пастдарғом ТЭТ, Пахтачи ТЭТ, Пайариқ ТЭТ, Тайлоқ ТЭТ, Челак ТЭТ.

**Танлов ташкилотчиси — «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ**, жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:**
- инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;
- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон газетада чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

**Дастлабки малакавий саралашдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**
- Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор касодга учраш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
- давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда бириктирилган банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;
- «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан бериладиган, инвестор суд муҳокамаси ҳолатида ёки «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан арбитраж ажрим ҳолатларида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари томонидан берилган маълумотнома.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**
- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддатда таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси микдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва **«Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ**нинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000802611704162, «Кредит-Стандарт» ОАТБ, Самарқанд шаҳри, МФО: 01023, СТИР: 200613520, ХХТУТ 11170.

**Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш лозим: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-уй. Телефон: (8-366) 231-11-42.**

Танлов ҳужжатлари тўпламини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Ахборот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанба кунлари бундан мустасно) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

749R/919



IPOTEKA BANK

**«ИПОТЕКА-БАНК»**

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ**

**қўшимча бешинчи чиқарилув акцияларини «Тошкент» Республика Фонд биржасининг бирламчи очиқ савдолари орқали жойлаштираётганлигини маълум қилади ва потенциал инвесторларни ушбу савдоларда иштирок этишга таклиф қилади.**

**БАНК ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ.**

«Ипотека-банк» АТИБ Ўзбекистон Республикасидаги турғун ривожланиб келаётган йирик бешта тижорат банкларидан бири ҳисобланади.

Жорий йил 1 август ҳолатига банкнинг жами активлари 1758,5 млрд. сўмни, умумий капитали 117,3 млрд. сўмни, мижозларнинг банкдаги маблағлари 532,4 млрд. сўмни, аҳоли омонатлари 132,9 млрд. сўмни, кредит портфели 533,2 млрд. сўмни, соф фойда 17,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг 36 та филиалида 61,5 мингдан зиёд корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда банкнинг 141 валюта айирбошлаш шохобчаси, 127 та минибанки, 496 та жамғарма кассаси ва 969 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси аҳоли ҳамда мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Банк «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси томонидан берилган Ўзбекистон банклари ичидаги энг юқори рейтинг «UzA+» рейтингига эга.

«Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига «B1» халқаро рейтинг даражаси берилган ва рейтингнинг истиқболи «Барқарор» деб белгиланган. 2009 йилда банкнинг хорижий валютадаги депозитларга аввал берилган «B3» рейтинги бир поғона юқорига кўтарилиб, «B2» қилиб белгиланди.

Банк акциялари «Тошкент» Республика Фонд биржаси расмий листингининг энг юқори бўлган «А» категориясига киритилган.

Банк йилдан-йилга ўз акциядорларига доимий равишда юқори дивидендларни тўлаб келмоқда. Оддий акциялар бўйича 2007 йил якуни бўйича 13%, 2008 йил якуни бўйича 15%, 2009 йил якуни бўйича 15% дивиденд тўланди.

747R/867



*ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!*

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ**

*сизга манфаатли шартларга асосланган*

*«АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади.*

**«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади.**
**Маблағларнинг омонатда сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28% ва 12 ойга йиллик 29% миқдорида фоиз даромадлари тўланади.**

*Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.*

ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.



«ХАЛҚ СЎЗИ» ВА «НАРОДНОЕ СЛОВО» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Тел.: 232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.


Ўзбекистон Экологик ҳаракати жамоаси ҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Саидрасул Сангиновга падари бузруквори

**САЙДАКПАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон радиосининг меҳнат фахрийси

**Тўлан ҚЎЗИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть ва газ факультети декани, профессор Н. Зайнутдинов ва Хорижий тиллар кафедраси доценти М. Зайнутдиновага ўғиллари

**ДУРБЕКнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университетнинг ўқув-ускуналар бўйича муҳандиси

**Миргиёс МИРЗИЁТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"Iqtisod-moliya" нашриёти — давлат унитар корхонаси жамоаси нашриёт директори Эркин Бозоровга онаси

**МУСАЛЛАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 5